

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОГЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИДОРАСИ**

Андижон Давлат тиббиёт институти

**«ТАСДИКЛАЙМАН»
Ўқув ишлари проректори
проф._____ К.К.Косимов
«___»_____ 2005 й.**

**Фармакология ва Клиник фармакологиядан
талаба мустакил ишини ташкил этиш буйича
услубий тавсиянома
(профессор-укитувчилар учун)**

Андижон 2005

Тузувчилар:

Т.ф.д., проф. Ю.Мамадов
Т.ф.н. асс. Д.Содикова

Такризчилар:

Проф. К.Косимов, укув ишлари
проректори
Т.Р.Абдурахмонов, кафедра профессори

Кириш

Таълим тизимини ислох килиш конунида мутахассис тайёрлаш ишида сифат узгаришга, яъни бозор шароитида ракобатдош кадр тайёрлашга катта эътибор берилган.

Илм олиш, касб эгаллашда мажбурий аудитор дарслар салмогини камайтириш, укитувчи раҳбарлигида талаба мустакил ишини сифати ва самарадорлигини ошириш кузда тутилган.

Шу муносабат билан 2005 йилда эълон килинган Вазирлар махкамасининг «Талаба мустакил ишини ташкил этиш, назорат килиш ва баҳолаш тартиби тугрисида» № 34 сон буйрук ва намунавий низомда: Олий таълим муассасалари талабаларида муайян укув ишларини мустакил равишда бажариш, керакли маълумотларни излаб топиш ва тахлил килишга ургатиш хамда шу асосда маъсулиятли ечимлар кабул килиш куникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, барча бакалаврият таълим йуналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларида кузда тутилган талаба мустакил иши учун ажратилган укув юкламаларни тулик ва самарали бажаришни илмий-услубий таъминлаш долзарб масала килиб қуилди.

1. Талаба мустакил ишини ташкил этишни, назорат килиш ва баҳолаш» хакидаги намунавий низомда

1. Талабанинг мустакил иши укув режасида муайян фанни узлаштириш учун белгиланган укув ишларининг ажралмас кисми булиб, уни услугбий ва ахборот ресурслари жихатдан таъминлаш хамда бажариш, рейтинг тизими талаблари асосида назорат килиш семестр якунида талабанинг мустакил иши буйича тупланган рейтинг баллари фан буйича аудиторияда укув ишларига буйича туплаган рейтинг баллари билан биргаликда гурух рейтинг кайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчаси ва укиш якунида диплом иловасида кайд этилиши кузда тутилган.

2. Талаба мустакил ишининг максад ва вазифалари.

2.1. Талаба мустакил ишининг асосий максади укитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян укув ишларини мустакил бажариш учун зарур булган билим ва куникмаларни шакллантиришга каратилган.

2.2 Талаба мустакил ишининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустакил тарзда пухта узлаштириш куникмаларига эга булиш;

- керакли маълумотларни излаб топишда, қулай усуллари ва воситаларини аниклаш;

- анаънавий укув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;

- электрон укув адабиётлари банкидан самарали фойдаланиш;

- интернет тармогидан максадли фойдаланиш;

- берилган топширикларни тугри (рационал) ечимини аниклаш;

- маълумотлар базасини тахлил этиш;

- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида кайта ишлаш;
- топширикларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чикилган ечим, лойиха ёки гояни мутахассислар жамоасида химоя килиш.

Юкорида кузда тутилган максад ва вазифалардан келиб чикиб фармакология ва клиник фармакология фанларидан намунавий дастурда кузда тутилган талаба мустакил иши учун ажратилган соатлар фармакология: даволаш куллиёти 727 соат, педиатрия куллиётида 81 соат; клиник фармакология: даволаш куллиёти, тиббиёт педагогикаси 5 боскич – 34; 6 боскич – 30; 7 боскич – 30; педиатрия куллиёти 6 боскич – 90 соат; олий хамширалик иши – 38 соат; куйидаги шаклларда бажариш режалаштирилиши мумкин. (Илова)

3. Талаба мустакил ишининг ташкилий шакллари:

- 3.1. Айрим назарий мавзуларни укув адабиётлари ёрдамида мустакил узлаштириш (мавзулар буйича реферат тайёрлаш ва химоя килиш);
- 3.2. Лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик куриш;
- 3.3. Илмий макола ва анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- 3.4. Олимпиадаларда катнашиш;
- 3.5. Компьютер синфларда, дорилар музейи хоналарида ишлаш;
- 3.6. Турли мавзулар буйича кургазмали қуроллар (альбом, таблица, слайд, укув кино, видеофильмлар) тайёрлашда катнашиш;
- 3.7. Кафедра илмий тадқикот ишларида катнашиш;
- 3.8. Утказилаётган фармакотерапияни экспертиза ва коррекция килиш буйича амалий куникма хосил килиш (бемор баённомаси химояси);
- 3.9. Шахсий ва bemor дориси концепцияси буйича олинган илмни мустахкамлаш (турли синдром ва касалликларда дори танлаш, шахсий дорилар руйхатини аник ташхисли bemorga мос келиш даражасини аниклаш, касаллик ва дори хакида bemorga тушунча ва маълумот бериш), bemor кузатуви, стандарт ва ностандарт вазият масаларини ечиш. (5,6,7 боскич талабалари).

4. Талаба мустакил ишини ахборот таъминоти

4.1. Талаба учун фармакология ва клиник фармакологиядан иш топшириклари тегишли кафедра профессори (ёки доценти) томонидан укув машгулотларини бевосита олиб борувчи уқитувчи билан биргалиқда тузилади хамда кафедра мудири томонидан тасдикланади.

Талабага берилган топширикда ишни бажариш буйича дастлабки курсатма ва тавсиялар кайд этилади.

4.2. Мустакил ишни бажариш учун талабага ахборот манбааси сифатида дарслик ва укув кулланмалар, методик кулланма ва курсатмалар, маълумот туплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, интернет тармогидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу буйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошжалар хизмат килади.

4.3. Кафедра мудири ва тегишли факультет деканат тақдимномаси асосида институт раҳбарияти талабаларга мустакил ишни бажариш учун зарурий ахборот манбаа ва воситаларини белгилайди, талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармок муассасалари ва корхоналаридан мустакил иш учун зарурий маълумотлар туплаш юзасидан сурвнома хатларини расмийлаштириб беради.

4.4. Институт раҳбарияти томонидан талабаларга мустакил иш учун уз вактида компьютер техникаси ва интернет тармогидан самарали фойдаланиш учун шароит яратиб берилади.

5. Талаба мустакил ишини назорат килиш ва баҳолаш.

5.1. Талаба мустакил ишига раҳбарлик килиш юкламаси (кафедра ишчи укув режасининг 10 устунида келтирилган) профессор-укитувчи шахсий иш режасининг ташкилий-услубий булимида (1540 соат доирасида) кайд этилади.

5.2. Талаба мустакил ишига раҳбарлик килиш кафедрада тузилган ва факультет декани томонидан тасдиқланадиган консультациялар жадвали асосида амалга оширилади ва гурух журналида кайд этиб борилади.

5.3. Талаба мустакил ишини назорат килиш укув машгулотларини бевосита олиб борувчи укитувчи томонидан амалга оширилади.

5.4. Талаба мустакил иши фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан буйича талабанинг умумий рейтинга киритилади ва ёритилиб борилади.

5.5. Талаба мустакил ишини назорат килиш турлари (талаба билан сухбат, материални анализ килиш, критик фикрлашни ривожлантириш максадида талабалар ишини узаро тақризлашни кенгайтириш. Юкоридагилар назарат иш сифатини ва мустакил иши самарадорлиги оширади).

Мустакил ишни баҳолаш меъзонлари талабаларга укув йили (семестр) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда таркатилади.

5.6. Мустакил иш буйича белгиланган максимал рейтинг баллининг 55% дан кам балл туплаган талаба фан буйича якуний назоратга куйилмайди.

5.7. Талабани мустакил иши буйича узлаштириши мунтазам равишда талабалар гурухларида, кафедра йигилишлари ва факультет илмий кенгашларида мухокама килиб борилади.

5.8. Талаба мустакил иши кафедра архивида руйхатга олинади ва укув йили давомида сакланади.

Илова

**ФАРМАКОЛОГИЯ ВА КЛИНИК ФАРМАКОЛОГИЯДАН
БАКАЛАВРИАТ БҮЙИЧА ТАЛАБА МУСТАКИЛ ИШИ УЧУН
АЖРАТИЛГАН МАВЗУЛАР (СОАТЛАР)**

№	Мустакил иш мавзулари	Соатлар	
		Дав.	Пед.
Фармакология			
1	Махаллий анестезия учун воситалар	4	4
2	Буриштирувчи воситалар	4	4
3	Этил спирти	4	4
4	Седатив воситалар	4	4
5	Нафас стимуляторлари	2	2
6	Йуталга карши воситалар	1	1
7	Балгам кучирувчи воситалар	1	1
8	Антацид воситалар	4	4
9	Ут хайдовчы воситалар	4	4
10	Меъда ости бези секрецияси бузилганда кулланиладиган воситалар	2	2
11	Ичак моторикасига таъсир килувчи воситалар	3	3
12	Сурги воситалари	3	4
13	Лейкопоэзга таъсир килувчи воситалар	4	4
14	Коагулянталар	4	4
15	Кон ивишига, тромбоцитларнинг агрегациясига ва фибринолизга таъсир килувчи воситалар.	-	4
16	Гормонал препаратлар, уларнинг синтетик уринбосарлари ва антагонистлари. Полипептид тузилишга эга булган гормонал препаратлар. Гипофиз гормонлари препаратлари (кортикотропин, окситоцин, вазопрессин, питуитрин). Гипофиз олдинги булаги гормонал препаратлари	4	4
17	Сувда эрувчи витамин препаратлари	2	2
18	Ёгда эрувчи витамин препаратлари	2	2
19	Кислота ва ишкорлар	2	2
20	Ишкорий ер метал тузлари	3	3
21	Антисептик ва дезинфекцияловчи воситалар	4	4
22	Спирохеталарга (захмга) карши воситалар	3	3
23	Замбуругларга карши воситалар	4	4
24	Турли дори воситаларининг узаро таъсир килиш принциплари	4	4
25	Доривор усимликлар	4	4
	Жами:	77	81

Клиник фармакология		
(5-6-7 боскич даволаш ва тиббиёт педагогикаси куллиётлари талабалари учун)		
1	Метаболизмга таъсир килувчи дори воситалари клиник фармакологияси	6
2	Психоневротик дори воситалир клиник фармакологияси	6
3	Электролитлар, кислота-ишкор мувозанатини коррекция килувчи дори воситаларнинг клиник фармакологияси	6
4	Эндокрин тизилмаси касалликларида ишлатишувчи дори воситалирининг клиник фармакологияси	6
5	Умумий ва маҳаллий аnestетик доир моддалари клиник фармакологияси	6
Олий хамширалик иши		
1.	Дигиталис интоксикацияда килинадиган тадбирлар Дигиталис интоксикацияга олиб келувчи омиллар. Юрак гликозидларини токсиклигини оширувчи препаратлар. Юрак гликозидларини самарасини оширувчи препаратлар. Дигиталис интоксикацияни намоёнлари (кардиал, меда-ичак тизилмаси томонидан, неврологик, эндокринологик, аллергик). Дигиталис интоксикация намоён булганда шифокоргача булган биринчи ёрдам чораларини курсатиш. Профилактика чоралари.	5
2.	Диуретикларни самарасини назорат усуллари ва ножуя таъсирни коррекцияси Диуретик терапияни самараси ва хавфсизлигини назорат килиш усуллари. Диуретикларни ножуя таъсир (электролит бузилишилар, кислота-ишкор мувозанатини бузилишилари, липид бузилишилар, глюкозага толерантликни бузилиши, гипоурикемия, аритмиялар, артериал гипотония, эндокрин бузилишилар), уларни барвакт ва пайдо булганда шифокоргача булган биринчи ёрдам чораларини курсатиш. Профилактика чоралари	5
3	Стероид глюкокортикоидларни ножуя таъсирларини назорат усуллари Стероид глюкокортикоидларни ножуя таъсири: модда алмашинувига таъсир (кушингоид, диабет, гиперлипидемия, инфекцияга резистентлик сусайиши, D витамини метаболизмiga таъсири); марказий асаб тизилмаси томонидан (кузгалиши, депрессия, психозлар, асаб бузилишилари); эндокрин системага таъсир (инсулин секрециясини усии гормонини, паратгормон, кальцитонин, лютеин гормони камайиши, менструал циклни узгариши); куз органлари томонидан (катаракта, глаукома); меда-ичак тизилмасига таъсири (пептик яра, кон кетишилар, панкреатит, жигарни ёг дистрофияси); кон томондан (ишини бузилиши, тромбоэмболиялар); терига таъсир (стриялар, пурпурা,	6

	<p>гирсутизм, каллик); мушаклар томондан (атрофия, миопатия, псевдоревматизм); юрак-кон томир системасига таъсири (артериал гипертензия, шишлар, миокардиодистрофия); суюк томондан (остеопороз, умурткаларни бузилиши, асептик некрозлар). Стероид глюокортикоидларни куллаганда самарасини назорат килиш. Ножсия таъсирини профилактикаси.</p>	
4.	<p>Сурги дори воситаларини клиник фармакологияси Таъсир механизми буйича сурги дори воситаларни таснифи. Сурги дори воситаларни фармакодинамика ва фармакокинетикаси. Сурги дори воситаларни ножсия таъсири ва узаро таъсири. Хомиладорлик даврида куллаш мумкин ва мумкин эмас булган сурги дори воситалари. Сурги фитопрепаратлар.</p>	4
5	<p>Гепатопротектор ва ут хайдовчи дори воситалари клиник фармакологияси Ут хайдовчи дори воситалари таснифи – холеретиклар, холекинетиклар, ут тошларини эритиши учун кулланиладиган препаратлар. Уларни фармакодинамикаси ва фармакокинетик параметрлари. Ножсия таъсиrlари. Гепатопротекторларни клиник-фармакологик параметрлари: витамин Е, липо кислота, эссенциале ва хофитолн, ривобкин ва зиксоринни клиник фармакологияси. Ут хайдовчи фитопрепаратлар.</p>	6
6.	<p>Гиполипидемик препаратларни клиник фармакологияси Гиперлипидемияни индуцирловчи асосий препаратлар (тиазидлар, носелектив бета-адреноблокаторлар, прогестинлар, стероид глюокортикоидлар, анаболик стероидлар, циклоспорин А). Гиполипидемик препаратларни асосий клиник-фармакологик параметрлари (статинлар, фибрратлар, ниацин, гемифиброзил, холестирамин.) Бу препаратларни ножсия таъсири. Гиполипидемик дори воситаларни куллашга курсатмалар, карши курсатмалар ва самарасини ва хавфсизлигини назорат килиш усуллари. Холестеринни кондаги микдорини камайтирувчи фитопрепаратлар</p>	6
7.	<p>Йуталга карши ва балгам кучиравчи дори воситаларни клиник фармакологияси Йуталга карши дори воситаларни таснифи (наркотик, нонаркотик, йутал рецепторларни сезувчанлигини блокловчи) ва уларни клиник фармакологик характеристикалари. Йуталга карши фитопрепаратлар. Балгам кучиравчи дори воситани таснифи (рефлектор таъсир этувчи ва резортив таъсир этувчи). Муколитиклар I и II авлоди, уларни клиник-фармакологик параметрлари. Балгам кучиравчи фитопрепаратлар</p>	6

Адабиётлар:

1. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов в медицинских и фармацевтических вузах (для профессорско-преподавательского состава). Москва – 1988
2. «Проблемное преподавание фармакотерапии». Специальный проект для СНГ Программы по фармацевтическим препаратам. Европейского регионального бюро ВОЗ. Тошкент, 1998.
3. Фармакология Клиник фармакология фанларидан намунаий дастур. Тошкент, 2002.
4. Справочник жизненно-важных лекарственных средств Республики Узбекистан, Ташкент 2002.
5. «Беморга тугри дори танлаш буйича тавсиянома». Андижон, 2003.
6. Клиник фармакология Ю.М.Мамадов., М.А.Хужамбердиев., Б.Ю.Маматов. Дарслик, Тошкент, 2003.
7. Клиническая фармакология. В.Г. Кукас. Москва, 2004.
8. Клиническая фармакология С.А. Крыжановский, Москва, 2004
9. «Талаба мустакил ишини ташкил этиш тугрисида» УзР Олий ва маҳсус таълим вазирлигининг № 34 сон буйруги 21 феврал 2005